

Хотима САЙДИРАСУЛОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
магистранти

«ТАЪВИЛОТ АҲЛИ СУННА» КИТОБИНИНГ МОВАРОУННАҲР ТАФСИРЛАРИ ОРАСИДА TUTTAN ЎРНИ

Мовароуннаҳр ҳудуди қадимдан турли тамаддунлар бешиги сифатида танилиб келган. Турли маданиятларга хос хусусиятлар ислом дини кириб келгач ҳам муҳим аҳамият касб этган. Минтақада бошқа илмлар қатори тафсир илми ҳам кенг тараққий этди. Дастлаб, тафсир илми ҳадис илми таркибида бўлган.

VIII асрга келиб алоҳида китоб ҳолида тафсирлар ёзила бошланди. Бироқ, бу даврда ёзилган тафсирларда Қуръон сураларининг баъзиларигина шарҳланган. Шунга кўра, “Таъвилот аҳли сунна” асарини Мовароуннаҳрдаги илк тафсир сифатида келтирсак бўлади. Китоб муаллифи Абу Мансур Мотуридий бўлиб, тўлиқ исми Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир. Алломанинг туғилган йили ҳақида тарихий манбаларда қатъий маълумот йўқ. Тақрибан, хижрий 233-240 йиллар орасида Самарқанднинг Мотурид қишлоғида таваллуд топган.¹ Олим мусулмонлар орасида “Имом ал-худа” (ҳидоятга элтувчи имом), “мусахҳих ақоид ал-муслимийн” (мусулмонлар ақоидини ислоҳ этувчи), “имом ал-мутакаллимийн” (калом илми олимларининг пешвоси), “қудват аҳл ас-сунна” (Аҳли суннат пешвоси) номлари билан машҳур бўлиб, суннийлик йўналишининг мотуридия мактаби асосчиси ва буюк мутакаллимдир². Ал-Мотуридий Абу Ҳанифа издошларидан бўлиб, Абу Наср ал-Иёзий³, Абу

Бакр Аҳмад ал-Жузжоний⁴, Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий⁵, Наср ибн Яхё ал-Балхий⁶ каби устозлар қўлида таълим олиб, Абул Қосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ал-Қозий ал-Ҳаким ас-Самарқандий⁷, Абдул Карим ибн Муҳаммад ал-Факих ас-Самарқандий⁸, Абу Абдурахмон ибн Абул Лайс ал-Бухорий⁹, Абул Ҳасан Али ибн Саид ар-Рустуғфаний ас-Самарқандий¹⁰,

⁴ Бобосининг исми Субҳ ёки Субайҳ эканида муаррихлар ихтилоф қилганлар. У фикҳ илми усуллари ва фуруълари соҳасида, шунингдек, анвои фунунда юқори даражаларга эришган. “Ал-Фуруқ ват-Тамйиз”, “Тавба” ва бошқа китоблар муаллифидир. Абу Бакр ал-Жузжоний Абу Ҳанифанинг йирик шогирдларидан Муҳаммад ибн Ҳасан ҳузурида дарс тинглаган. Абу Сулаймон ал-Жузжонийдан сабоқ олган. Хижрий 268 йилда вафот этган.

⁵ У Рай шаҳрининг қозиси бўлиб, Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийда ўқиган. Машҳур муҳаддис саҳобий Вақеъ ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Имом Бухорий ҳам ундан ҳадис тинглаган. Ҳаким Термизий ҳам у зотдан ҳадис ривоят қилган. Вафоти тўғрисида хижрий 248 ва 242 йил каби саналар кўрсатилган.

⁶ Абу Сулаймон ал-Жузжоний, Абу Мутъ ал-Ҳаким Абдуллоҳ ал-Балхий ва Абу Муқотил Ҳафс ас-Самарқандийдан сабоқ олган ҳанафий мактабига мансуб фикҳ ва калом уламоларидандир. Хижрий 268 йилда вафот этган.

⁷ У тасаввуф илмини Балх машойихларидан, фикҳ ва калом илмини Шайх Абу Мансурдан олган. Узоқ вақт Самарқандда қозилик вазифасини ўтаган. Асарларидан “Саводи аъзам”, “Имон” рисоласи машҳурдир.

⁸ У Насафдан олти фарсах узоқликдаги Пазда ёки Паздава қишлоғидан. Асосан, фикҳ илмида машҳур бўлган. Унинг зурриётидан йирик мотуридия уламолари дунёга келган. Абул-Йўср ал-Паздавий (вафоти 493 х./1100 м.й.), Абул-Ҳасан ал-Паздавий (вафоти 482 х./1089 м.й.) шулар жумласидандир. Ўзи 390 х./999 м. йилда вафот этган.

⁹ Калом ва фикҳ илмларини Абу Мансурдан олган. У Абул-Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий билан кўп вақт биргаликда таҳсили илмда бўлган.

¹⁰ Ҳанафий фикҳи ва усули бўйича шуҳрат қозонган. У

¹ Мансур А. Ақоид матнлари. – Т.: ТИУ, 2006. – Б.3.

² Абу Мансур Мотуридий. Таъвилот аҳлис сунна. Ж.1. – Байрут: Рисалату нашир, 2003. – Б.7.

³ Бу олим Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Жузжонийдан таълим олган. Шайх Абу Мансур ҳам фикҳ дарсида Абу Насрга шерик бўлиб, ал-Жузжонийда ўқиган. Ал-Иёзий сомонийлар даврида дорул-ҳарба асир ҳолида турк диёрида шахид бўлган.

Абу Аҳмад ибн Аби Наср Аҳмад ибн ал-Аббос ал-Иёзий¹¹ каби шогирдларни тарбиялаган. У 944 (333 ҳ.) йилда вафот этган.¹² Ал-Мотуридийдан жуда кўп асарлар қолган. Мотуридия ақидасининг манбаси саналган “Ат-Тавҳид” ёки “Ал-Мақолот”, “Ар-Радду алал қаромита”, “Баёну ваҳмил Мўътазила”, “Раддул имома ли-баъз ар-Равофиз”, “Радду авоил ал-адилла лил Каъбий”, “Шарҳ ал-фикҳ ал-акбар”, “Маъ-хаз аш шароеъ” асарлари шулар жумласидандир. Ал-Мотуридий ўзининг тафсири “Китоб таъвилот аҳли сунна” ёки “Китоб таъвилот ал-Қуръон”¹³ номли тафсирида илми калом уламолари йўлидан борган ва Қуръони каримни ақидада аҳли сунна вал жамоа мазҳабини қувватлаб тафсир қилган. Ал-Мотуридийнинг тафсири ундан аввалги тафсирлардан услуби билан фарқ қилади. Масалан, бошқа тафсирларда муфассир томонидан оятнинг мазмуни баён этилиб, ундан сўнг баъзи қисқа ривоятлар келтириш билан кифояланган, танкидий ва таҳлилий фикрлар билдирилмаган бўлса, ал-Мотуридий ҳар бир оятни оятлар, ҳадислар ва саҳобийлар, тобеъийларнинг сўзлари билан шарҳлашга, ақлни ишлатиб, оятларни таъвил қилишга эътибор беради. Лекин у раъй ва ижтиҳоддан истифода этганда, ўз фикр ва мулоҳазаларини Қуръон ва ҳадисга суянган ҳолда билдиради. Ал-Мотуридийнинг тафсир қилишдаги янгича услуби шуки, у ақлий далил билан нақлий далилни уйғунлаштириб келтириши, Қуръонга қилинган турли шарҳларни қиёслаб, охирида ўз фикрини ёки муфассирлар фикрларидан бирини устун кўришидир.

Мисол учун “Фотиҳа” сурасининг тафсирида “Бисмиллаҳ”ни шундай тафсир қила-

билан устози Шайх Мотуридий ўртасида мужтаҳид хатосига оид масалада ихтилоф кечган. “Иршодул-мухтадий”, “Аз-заъид вал-фавоид”, “Ал-асъилату вал-ажвиба”, “Баёнус-Суннати вал-Жамоа” каби асарлар муаллифидир. Вафоти 350 ҳ./961 м.йил.

¹¹ Абу Мансурнинг устози Абу Наср ал-Иёзийнинг ўғли. Фикҳ, нутқ, ифбат ва тақвода беназир бўлгани ҳақида нақл қилинади.

¹² Ал-Мотуридий. Таъвилот аҳлис-Сунна. – Байрут: 2005. Т. 1 – 15. Ушбу асар мисрлик тадқиқотчи доктор Маждий Босаллум томонидан тадқиқ этилиб, нашр қилинган.

¹³ Ал-Мотуридийнинг ушбу тафсири қўлёзмалари “Таъвилот ал-Қуръон” номи билан Туркия, Германия, Дамашк, Мадинаи Мунаввара ва Британия музейида мавжуддир. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Таъвилот аҳли сунна” номи билан 5126 рақам остида сақланмоқда.

ди: “Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман”. Тасмия (Бисмиллаҳ) Қуръондан бир оят бўлиб, “Фотиҳа” сурасидан эмас. Унинг алоҳида оятлигига далил Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ушбу ҳадисдир. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам

Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳуга деди: “Мен сенга бир оятни ўргатаман, мендан аввал бу оят Сулаймон ибн Довуд алайҳис саломдан бошқага нозил бўлган эмас”. Икки оёғидан бирини чиқарди, яъни ўтирган ҳолатини ўзгартирди, кейин Убайга деди: “Қуръон қайси оят билан бошланади?” Убай ибн Каъб: “Бисмиллаҳ” билан, – деб жавоб берди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ўша оят шудир!” – деди. Шунга кўра “Бисмиллаҳ” Қуръоннинг бир оятидир. Агар сураларнинг бир ояти бўлса, у бир оят эмас, балки 113 оят бўлиб қолади. Шу билан бирга, “Бисмиллаҳ” Қуръоннинг эмас, сураларнинг очувчи калити бўлиб қолади. Шу сабабли у кироатда очик ўқилмайди.

Ал-Мотуридий тафсир билан таъвилни ҳам ўзига хос таъриф қилган. У шундай дейди: “Тафсир саҳобалар учун, таъвил эса фақиҳлар учундир. Зеро, саҳобалар ваҳийнинг тушишига шохид бўлган кишилар бўлиб, уларнинг сўзлари Қуръонни ўзича тафсир қилиш эмас, кўрган ва билганини баён қилишдир. Саҳобалардан кейинги замон олимларининг сўзларини тафсир деб бўлмайди, зеро, улар қандай фикр билдирсалар ҳам, кўрганларини эмас, ақли етганини сўзлайдилар. Бу ўзбошимчалик бўлиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кимки, Қуръонни ўзбошимчалик билан тафсир қилса, у ўзига дўзахдан жой тайёрлаб қўйгандир”, – деган. Демак, саҳобалардан бошқа кишилар Қуръон маъноларини тушунтирсалар, уни тафсир эмас, таъвил деб аташ мумкин. Таъвилда тўғри йўл тутган одам икки савобга, хатога йўл қўйган одам бир савобга эга бўлади”¹⁴.

Имом ал-Мотуридийнинг тафсири Х асрдаги тафсир илми хусусиятларини ўзида мужассам этади. Ўзидан аввалги муҳаддис алломаларнинг тафсирдаги услубларидан фарқли равишда у илк бора Қуръонни бошидан охиригача шарҳлаган ҳамда бунда таҳлилий услубни қўллаган. Яъни у Қуръон оятларига

¹⁴ Абу Мансур Мотуридий. Таъвилат аҳлис сунна. Ж.1. – Байрут: Рисалату нашир, 2003.- Б.349.

оид шарҳларни таҳлил этиб, оят шарҳига мос келадиганини ажратиб беради. Бунга туртки бўлган асосий сабаб унинг ақидавий фирқа ва оқимларнинг Қуръонни далил қилишларида суистеъмол қилишлари бўлган, десак хато бўлмайди. Чунки, унинг тафсири ақидавий масалаларни кенгрок шарҳлашга, оқимларни номма-ном келтириб уларнинг тушунчаларига раддия беришга қаратилади. Унинг тафсирини ўқиган киши Имом ал-Мотуридийнинг ақидавий масалалар шарҳларини жамлашга кўпроқ аҳамият берганлигини кўриш мумкин.

Доктор Маждий Босаллум мазкур тафсир хусусида тадқиқот олиб бориб, Ал-Мотуридий яшаган даврни ўта ҳассослик билан ўрганган ва тадқиқотининг 1-бобини “Аср Ал-Мотуридий” деб номлаб, унда Аббосийлар давлатининг вужудга келиши, ундаги сиёсат тизими, турли илмлар соҳасидаги тараққиёт, ўша даврдаги илмий ва фикрий ҳаёт ҳақида, 2-бобда Ал-Мотуридийнинг ҳаёт ва фаолияти, устозлари ва шогирдлари ҳамда унинг илмга қўшган ҳиссаси ҳақида, 3-бобда ўша даврда ислонда пайдо бўлган диний мазҳаблар, ақидавий фирқалар ҳақида, 4-бобда тафсир илмининг ривожланиши, тафсир мактаблари, қадимги ва ҳозирги тафсирларнинг хусусияти ҳақида, 5-бобда Ал-Мотуридийнинг муфассирлик фаолияти, тафсирда янгича усул, яъни ақлга суяниб ижтиҳод қилиш, Ал-Мотуридий тафсир услубининг кейинги муфассирлар ижодига таъсири ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Бу тадқиқот Ал-Мотуридий тафсирига муқаддима сифатида Маждий Босаллум таҳрири остида 2005 йилда Байрутда 15 мужалладда нашр этилган “Таъвилот аҳли сунна” ёки “Тафсири Ал-Мотуридий” китобининг 1-мужалладида келтирилган.

Бундан ташқари, Иброҳим ва Саййид Авзийлар 1972 йил Қоҳирада асар матнини тайёрлаб, Фотиҳа ва Бақара (141-оятгача) сураларининг шарҳидан иборат биринчи жилдини нашр этганлар.

Ҳожи Халифа “Кашф аз-зунун” асарида “Таъвилот ал-мотуридия фи баён усул ас-сунна ва усул ат-тавҳид” номли китоб ҳақида маълумот бериб ўтган. Унинг таъкидлашича, Алоуддин ибн Аҳмад ибн Абу Аҳмад ас-Самарқандий жамлаган ушбу китоб алломанинг бошқа китоблари орасида тили ва услуби жиҳатидан

энг осон ва равои ўқиладиган асар бўлгани сабабли мотуридия уламоларининг асосий манбаи ҳисобланган¹⁵.

Мазкур китобнинг бир нусхаси Ҳиндистондаги Худобахш номли кутубхонада 294 рақам остида сақланади. Ушбу манба устида тадқиқот олиб борган Доктор Айюб Али бу китоб Алоуддин ас-Самарқандий томонидан Мотуридийнинг тафсирига ёзилган шарҳдир, деган хулосага келган¹⁶.

Абул Муин ан-Насафийнинг шогирди Алоуддин ас-Самарқандий “Таъвилот аҳли сунна” тафсирига “Шарҳ китоб ат-таъвилот” номли шарҳ ёзган¹⁷.

“Таъвилот аҳли сунна” китоби 2009 йил турк олими Бекир Топлўғли томонидан иккинчи маротаба кўп жилдда нашр этилди¹⁸.

“Таъвилот аҳли сунна” асари ғарб шарқшунослари томонидан ҳам атрофлича ўрганилган. 1965 йилда Гётц кўлэмалар асосида маъруза тайёрлади¹⁹. 1970 йилда М.М.Раҳмон фалсафага оид тезислари доирасида «Таъвилот»нинг «Фотиҳа» ва «Бақара» (161-оятгача) сураларининг шарҳини тадқиқ қилди. Лекин, 1982 йилдагина нашр этилди. Шу йили Галли ҳам мазкур тафсир бўйича мақола нашр этди²⁰. 1997 йили Ульрик Рудольф “Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти” номли китобини тақдим этди²¹.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Мотуридийнинг “Таъвилот аҳли сунна” асари Мовароуннаҳрда ёзилган тафсирлар орасида алоҳида эътиборга лойиқ. Глобаллашув шароитида жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий соҳада пайдо бўлган муаммоларни ҳал этишда ҳам мазкур асарнинг ўрни бекиёс. Ушбу китобни тўлиқ тадқиқ этиш ва ўзбек китобхонига етказиб бериш тадқиқотчилар олдида турган муҳим масалалардан биридир.

¹⁵ Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун ан асами ал-кутуб вал фунун. II жилдлик. - Истанбул: I/336.

¹⁶ Окилов С. Мовароуннаҳрда мотуридия таълимотининг шаклланиш тарихи. -Т.: “Movarounnahr”, 2012. – Б.69.

¹⁷ Ушбу шарҳнинг бир нодир кўлэзма нусхаси Истанбулдаги Сулаймония кутубхонаси, Мадина бўлимида 179-рақам билан сақланмоқда.

¹⁸ Окилов С. Мовароуннаҳрда мотуридия таълимотининг шаклланиш тарихи.-Т.: “Movarounnahr”, 2012. – Б.70.

¹⁹ Götz, Maturidi und sein Kitab Ta'wilat al-Qur'an, 1965.

²⁰ Galli, Some aspects of al-Maturidi's Commentary on the Qur'an. - IS 21/1982/3-21.

²¹ Rudolph U. al-Maturidi und die Sannitische Theologie in Samarkand, Leiden, 1997.